

АҲЛИ СУННА ВАЛ ЖАМОАДА ВАСАТИЙЛИК ТАМОЙИЛИ ВА ТҶҲҲТ ФИҚҲИЙ МАЗҲАБНИНГ ИСЛОМИЙ ТАФАККУРДАГИ ҶРНИ

Баҳодиров Дониёр Аминович

Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги

Диний-маърифий соҳада малака ошириш

ва қайта тайёрлаш институтининг

Самарқанд минтақавий филиали

катта ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада Ислон динидаги васатийлик (мўътадиллик) тамойилининг Қуръон ва суннат асосидаги мазмун-моҳияти атрофлича таҳлил қилинади. Хусусан, «васат» тушунчасининг луғавий ва истилоҳий маънолари, унинг ислоний фикр тизимида тутган ўрни классик араб луғатлари ҳамда замонавий ислоншунос олимлар қарашлари асосида ёритилади. Мақолада Аҳли сунна вал жамоага мансуб тўрт фикҳий мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофеъий, ҳанбалӣ) ислоний мўътадилликнинг амалий ифодаси сифатида талкин қилиниб, уларнинг пайдо бўлиши, ижтиҳодий асослари ва васатийлик тамойилини сақлаб қолишдаги аҳамияти илмий жихатдан асослаб берилади. Шунингдек, фикҳий ихтилофларнинг табиати, уларнинг ақийдавӣ масалалардан фарқи ҳамда шариятда мувозанатни таъминлашда мазҳабларнинг ўрни очиб берилади. Мақола ҳулосасида мўътабар фикҳий мазҳабларнинг мусулмон уммати ҳаётидаги барқарорлик, илмий мерос ва динни тўғри англашдаги ўрни алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: Аҳли сунна вал жамоа, васатийлик, васат, тўрт фикҳий мазҳаб, мўътадиллик, ижтиҳод, фикҳий ихтилоф, Қуръон ва суннат, шарият, мувозанат.

«Васат» сўзи Қуръони Каримнинг бешта оятида зикр қилинган. Масалан, Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

«Шунингдек, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Расул устингиздан гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта миллат қилдик», деган (143-оят).

Аллоҳ таоло ушбу каримада ояти мусулмонларни ўрта уммат қилганини эълон қилмоқда. Биз «ўрта» деб таржима қилган сўз арабчада «васат» деб келган ва яхши, ўрта, марказ ва адолатли деган маъноларни англатади. «Ўрта» маъносида кўпроқ ишлатилгани учун таржимага шу маъно ихтиёр қилинди. Ўртанинг яхши дейилаётганига боис шуки, четлар чет бўлгани учун ҳам ҳар хил таъсирларга кўп учрайди ва бузилиш эҳтимоли кўпроқ. Аммо ўрта бузилмай, яхши ҳолича қолади. Ўртага адолат маъноси берилишининг сабаби эса «ўрта» атрофларга нисбатан бир хил туради, бирор томонга.оғиб, адолатни бузмайди

«Васатия» соф арабча сўз бўлиб, унинг бир нечта луғавий ва истилоҳий маънолари бордир.

«Васатия»нинг луғавий маъноси:

Васатия араб тилидаги «васат» ўзагидан олинган бўлиб, луғат китобларида бу сўз кенг таҳлил қилинган.

Имом Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий ўзининг «Сихоҳ» номли машҳур луғат китобида жумладан, қуйидагиларни келтиради:

«Васат ҳар бир нарсанинг энг тўғриси ва адолатлисидир» (3-жуз, 1167-бет).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Дурайд Аздий ўзининг «Жамҳаратул Луғати» номли китобида келтиради:

«Васат ҳар бир нарсанинг ўртасидир. «Фалончи ўз қавмининг васатидан», дегани «уларнинг аъёнларидан» деганидир. «Сирғанинг васати», деганда унинг Энг қимматли гавҳари ёпиштирилган ери тушунилади. «Одамларнинг васати», дегани «уларнинг яхшиси» деганидир» (3-жуз, 29-бет).

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али Файюмий ўзининг «Ал-Мисбоҳул Мунийр» номли китобида ёзади:

«Васат мўътадил деганидир».

Аллома Муҳаммад ибн Яъқуб Муҳаммад Ферузободий ўзининг «Ал-Қомус ал-Муҳийт» номли китобида ёзади:

«Васат ҳар бир нарсанинг энг адолатлиси ва Энг яхшисидир» (893-бет).

Васатиянинг таърифи:

Доктор Аҳмад Умар Ҳошим ўзининг «Васатиятул Исломи» номли китобида таърифни келтиради: қуйидаги

«Васатия истилоҳда шахсни ҳаддан ошиш ва камчилик содир этиш тарафларига оғиб кетишдан сақлайдиган мақтовли ҳолатдир. Бошқача қилиб айтганда, у икки тараф орасида бири биридан устун бўлиб кетмайдиган тарзда мувозанат ва адолатни сақлашдан иборатдир. Бунда чегарадан чиқиш ёки нуқсонга йўл қўйиш, ашаддий қаттиқ олиш ёки ўта бўш қўйиб юбориш бўлмайди. Балки афзалига, адолатлисига, яхшисига ва мукаммалига эргашилади» (7-бет).

Қувайтлик уламолардан шайх Аҳмад Ҳусайн Аҳмад Муҳаммад жаноблари ўзларининг «Ал-Васатия ва ҳазоратул Исломи» номли илмий баҳсларида васатияни қуйидагича таърифлайдилар:

«Васатия мусулмон киши ўзига қабул қилиб оладиган исломий сифатлардан бири эмас. Васатия, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, айна Исломнинг ўзидир. Васатия Исломдир. Ислом васатиядир.

Васатия дин ва дунё ишларидаги тавозундир. Ҳаддан ошиш ҳам, ҳаддан тушиш ҳам эмас.

Васатия адолат ва мўътадилликдир. Қайнаб тошиш ҳам, дангаса бўлиб ётиш ҳам эмас. Чунки васат дегани турли чеккалардан бир хил даражадаги узоқликни, доиранинг марказий нуқтасини билдиради. Шунинг учун бу лафзни ҳаддан ошиш ва ҳаддан тушишдан холис бўлган мақтовли сифатларга ишлатиш одат бўлган. Васатия тўғрилиқдир фикрда, ўзини тутишда йўлдан чиқмасликдир. Васатия сиротул мустақиймдир».

Имом Шотибий раҳматуллоҳи алайҳи қуйидагиларни ёзади:

«Шариат ўзи тақозо қилган таклифларда ўртача ва адолатли йўл тутувчидир. У банданинг касбига дохил бўлган ишда икки тарафга ҳам мойил бўлмай, адолат билан туради. Унга машаққат бўлишига ҳам йўл қўймайди ва уни бошвоқсиз ташлаб ҳам қўймайди. У барча бандалардан ғоятда мўътадилликни тақозо қиладиган тавозунли таклифдан иборатдир...»

«...Агар шариатнинг умумий қоидаларидан бирортасини оладиган бўлсанг, чуқур тааммул қилиб кўр, албатта, васатийликни кўрасан. Қачон тарафлардан бирига мойилликни кўрсанг, албатта, у воқеъликдан келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатнинг муолажаси учундир. Агар униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса, албатта, васатийликнинг ярақлаб турганини, мўътадиллик йўлининг равшанлигини кўрасан. Ана шу унга қайтиладиган аслдир ва паноҳ топиладиган мустаҳкам қалъадир» («Мувофақот». 2-жуз. 116-119-бет).

Фикҳий мазҳаблар фақиҳларнинг амалий аҳкомлар доирасида собит бўлгани ёки далолати қатъий бўлмаган ижтиҳодий масалалар борасидаги ихтилофларнинг самарасидир. Бу дегани икки манба Китоб ва Суннатда талаб қилинган маънога қилиши далолат ноаниқ бўлган, ўз ичида битта эҳтимолдан кўра кўпроғини қамраб оладиган нарсалар бор, демакдир. Шунингдек, Суннатда ҳам собит бўлиши қатъий бўлмаган, ҳатто саҳиҳ, ҳасан ва заифлик эҳтимоллари бор бўладиган нарсалар бор, демакдир.

Ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳи ёзади:

«Билки, бизнинг шариатимизнинг асллари аниқдир, қоидалари маҳкамдир. Унда нуқсон ва айб йўқ. Бошқа шариатлар ҳам шундай. Аммо офат динда бидъатни юзага келтирувчилардан ёки жоҳиллардан киради» («Сойдул хотир». 161-бет).

Шариатдаги мўътадилликка энг яхши амал мусулмонлар жумҳури эътироф қилган ва эргашган тўрт фикҳий мазҳабда ўз ифодасини топган. Мўътадилликдан четлаган фикҳий мазҳаблар ўз-ўзидан тарқалиб кетган ёки уринишлар мазҳаб шаклини ола билмаган. Асрлар давомида мазкур тўрт фикҳий мазҳабларга қарши турли ҳужумлар қилинмоқда, бўҳтон ва туҳмат тошлари отилмоқда. Мазкур қарши тарафларни ўрганиб кўрилса, уларнинг васатийликдан йироқ эканликлари равшанлашади. Шунинг учун ҳам

улар бир оздан кейин унутиладилар. Васатийликни олган тўрт мазҳаб эса давом этаверади».

Фикҳий мазҳаблар фақиҳларнинг амалий аҳкомлар доирасида собит бўлгани ёки далолати қатъий бўлмаган ижтиҳодий масалалар борасидаги ихтилофларнинг самарасидир. Бу дегани икки манба Китоб ва Суннатда талаб қилинган маънога қилиши далолат ноаниқ бўлган, ўз ичида битта эҳтимолдан кўра кўпроғини қамраб оладиган нарсалар бор, демакдир. Шунингдек, Суннатда ҳам собит бўлиши қатъий бўлмаган, ҳатто саҳиҳ, ҳасан ва заифлик эҳтимоллари бор бўладиган нарсалар бор, демакдир. Бу таъриф фикҳий мазҳабларнинг моддаси бўлмиш фикҳий ихтилофларнинг борлиқ, инсон ва ҳаётнинг ҳақиқатига ёхуд ана шу уч ҳақиқатни таниш ортидан келиб чиқадиган Исломдаги эътиқод қилинадиган, мажмуидан иймон ва Исломнинг тушунчаси пайдо бўладиган нарсалар силсиласига тааллуқли эътиқодий асосларга на яқиндан ва на узоқдан алоқаси йўқдир. Тўғри, уларнинг ана шу ақийдавий асосларга алоқаси бор, аммо у алоқа уларнинг иллатларини аниқлаш ва қандай қилиб татбиқ қилишни ойдинлаштириб беришдан нарига ўтмайди.

Буни шундай тушуниш мумкин: шариати исломияга итоат қилишнинг вожиблигига ишониш эътиқод қилиниши лозим бўлган нарсаларнинг диндаги асосларидан бўлиб, унда ҳеч бир ихтилоф йўқдир. Аммо шариатни аниқлаш, матнлар ва жузъий масалалар орасидан уни ажратиб олишга келсак, ихтилоф ва эҳтимоллик омилларининг айрим масалаларига кириб бориши мумкин бўлган фикҳ ана шудир.

Мисол учун: бидъатлардан сақланиш диндаги ақийдавий асослардан бири эканида ҳеч бир хилоф йўқ. Аммо бидъат таърифини ишлатса бўладиган ёки бўлмайдиган жузъий масалаларни аниқлашга келсак, иллатни аниқ қилишга дохил бўлади. Шу нуқтаи назардан унга бидъатнинг маъноси тўғри келишида бир оз шубҳа ва эҳтимол бор бўлади. Аммо, Қуръон ва Суннатдаги фикҳий матнларда биттадан ортиқ далолатнинг эҳтимоли бўлгани учун ва ана шу нуқтаи назардан унда ижтиҳод қилиш ва ихтилофга бориш учун катта майдон пайдо бўлди.

ХУЛОСА

Фақиҳлар нафақат оят ва ҳадисларни, балки шаръий масалаларга боғлиқ воқеликни, хусусан, сиз билан бизга энг арзимаган бўлиб кўринадиган нарсаларни ҳам мислсиз диққат-эътибор билан ўрганадилар. Ўрганибгина қолмай, улардан шаръий ҳукмларни ҳам чиқарадилар.

Мусулмон умматининг барчаси ўз динига амал қилиш, Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, икки дунё саодатига эришиш йўлида фақиҳларнинг хизматига муҳтождир. Чунки ҳар бир киши Қуръони Карим Суннатдан ўзига керакли амаллар хулосасини

чиқариб олиш имконига эга эмас. Худди шу омил мўътабар фикҳий мазҳабларнинг мусулмон уммати учун нақадар аҳамиятли эканини доимий равишда таъкидлаб туради. Бунинг ҳикмати шундаки, амалий қонунларнинг барчаси қанчалик хилма-хил бўлишидан, замоннинг тараққиётига қўшилиб тараққий топган бўлишидан қатъи назар, одамларнинг талаблари ва манфаатларини англаб етишда бир неча турли ва бир қанча йўлли бўлади. Уларни ўрганиб чиққан тадқиқотлар шу даражада кўплигидан ана шу ҳикмат аниқ ва равшан бўлиб бўлди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Қуръони Карим.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол“. “HILOL NASHR“ Нашриёт-матбааси.
3. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. “Mazhablar birlik ramzi” - T.: “Hilol-Nashr” 2018.
4. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Vasatiya - hayot yo’li. “Hilol-Nashr” 2021.
5. Муҳаммад Айюб Ҳомидов. “Имоми Аъзам”, “Hilol-Nashr”, 2018.